

Аллоҳ инсон зотига фарзанд муҳаббатини қўшиб яратган



14:00 / 23.06.2022 2550

Оиланинг бузилишига сабаб бўладиган омиллардан бири бу бефарзандликдир.

Бефарзандлик доимо оилаларда кўнгилсизликнинг сабаби бўлиб келган. Чунки бу нарса оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшашдан кўзланган бош мақсадга зиддир. Аллоҳ таоло инсон зотига фарзанд муҳаббатини қўшиб яратган. Шу боис оилада яшаб турган эр-хотин фарзанд кўрмасалар, ташвишга тушишлари табиий ҳолатдир.

Аммо, баъзи кишиларимиз бу ишда жуда ҳам шошиб кетадилар. Бир ой, ярим ой ўтмай, ташвишни бошлайдилар. Келин-куёвни олиб, дам солдиришга, табибга кўрсатишга югурадилар, икки тараф ҳам айб нариги

тарафда эканини исбот қилишга ҳаракатни бошлайдилар. Айниқса, келин тарафнинг хижолати зиёда бўлади. Албатта, бундай пайтларда шошмаслик, фарзандни аввало Аллоҳ таолодан сўраш лозим. Кейин шошмасдан, мутахассис табиблар билан маслаҳатлашиш керак бўлади.

Баъзи ҳолатларда келин-куёв сабр қилишса ҳам, ота-оналар, қариндошлар уларни тинч қўйишмайди. Куёв тараф келинни туғмасликда, келин тараф куёвни бепуштликда айблашга ошиқадилар. Икки тараф ҳам оилани бузишни таклиф қила бошлайдилар. Бу ҳам тўғри эмас. Аслида, ёшлар шошилганда ҳам катталар насиҳат қилиб, уларни тинчитилари лозим. Зеро, ҳозирги кунги тажрибаларимизда ўн тўрт йил ва ундан ҳам кўпроқ вақтдан сўнг фарзанд кўрганларнинг гувоҳи бўлдик, ақийқаларида иштирок этдик. Шунинг учун ҳам бу масалада оилани бузишга шошмаслик лозим.

Ҳозирги, бефарзандликни даволаш анча тараққий этган бир даврда барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Баъзи ҳолатларда табиий равишда ҳомила пайдо бўлишига қобилияти йўқ шахсларни ҳомилани сунъий урчитиш билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. Кўпчилик бу ишга шариатнинг ҳукми қандай эканини сўраб келишади. Бу масалани Ислом Фиқҳи Академиялари ўрганиб, шаръий муносабатларни эълон қилганлар.

(Давоми бор)

«Бахтиёр оила» китоби асосида тайёрланди